

**РЕСПУБЛИКА “ОИЛА” ИЛМИЙ-АМАЛИЙ МАРКАЗИ
РЕСПУБЛИКА “МАҲАЛЛА” ХАЙРИЯ ЖАМОАТ ФОНДИ
ДИН ИШЛАРИ БЎЙИЧА ҚЎМИТАСИ**

Ф. Акрамова

Оила кутубхонаси

**ОИЛА МУСТАҲКАМЛИГИНИ
ТАЪМИНЛОВЧИ ОМИЛЛАР**

*(Аёлларни ижтимоий қўллаб-қувватлаш марказлари учун
илмий-услубий қўлланма)*

ТОШКЕНТ - 2016

**Ф. Акрамова. Оила мустахкамлигини таъминловчи омиллар:
илмий-услубий қўлланма. – Т.: “РОИАМ” 2016, 23 б.**

Мазкур қўлланма Республика “Оила” илмий-амалий маркази илмий-услубий кенгаши йиғилишининг 2016 йил 20-июлдаги 3-сонли баённомаси билан тасдиқланган ва нашрга тавсия этилган.

Қўлланма Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг Ёшлар сиёсати, таълим, маданият ва спорт масалалари ахборот-таҳлил департаментининг кенгайтирилган мажлиси 2016 йил 3 июндаги 26-сонли баёни ижросини таъминлаш мақсадида ҳамда “Ўзбекистонда оила институтини ривожлантириш ҳамда баркамол авлод тарбиясининг маънавий ҳуқуқий, тиббий-психологик ва демографик омилларини тадқиқ этиш” мавзусидаги ИТД-1 рақамли амалий лойиҳа доирасида Республика “Оила” илмий-амалий маркази, Республика “Маҳалла” хайрия жамоат фонди ва Дин ишлари бўйича қўмитаси мутахассислари томонидан яратилган.

Мазкур қўлланмадан жойлардаги аёлларни ижтимоий қўллаб-қувватлаш марказларида фаолият юритаётган мутахассислар, ўзини-ўзи бошқариш органлари мутассаддилари, маҳалла ҳузуридаги “Ота-оналар университети” ходимлари, оилалардаги ота-оналар ва шу соҳага қизиқувчилар фойдаланишлари мумкин.

Нашр учун масъул: иқтисод фанлари номзоди, **Ҳ.Х. Мамадалиева**

Тақризчилар: Ёқуббекова М.М. – филология фанлари доктори
Акрамова Ф.А. – психология фанлари номзоди,
доцент

ГЛОССАРИЙ

Ахлоқ (араб) - хулқ сўзининг кўплик шакли, кишилар орасидаги муносабатларни тартибга солишнинг ўзига хос қоидалари. У маънавий ҳаёт ҳодисаси, ижтимоий онг шаклларида бири, маънавият соҳасига оид тушунча ҳамдир.

Аҳиллик – ягона оила, ягона Ватан туйғуси, умумий мақсад ва манфаатга асосланган, дўстлик, қон-қариндошлик, иноқлик ва хайрихоҳлик, бағрикенглик натижасида ҳосил бўладиган маънавий яқинлик.

Бардошлилик – чидамли, тўзимга эга, сабр-тоқатли, мустаҳкам иродали, барқарор фикрли, қатъиятли шахс маъносини англатадиган тушунча.

Бахт – ахлоқий онг тушунчаси. Кишининг ўз турмушидан мамнунлик, муродга етганлик ҳолати, ҳаётининг бекам-кўстлиги ва муайян маъно касб этганлигидан ҳосил қиладиган қаноати.

Бурч – шахснинг бирор киши, оила, жамоа, эл-юрт, Ватан олдидаги мажбуриятини англатувчи ахлоқий тушунча, инсон маънавиятининг таркибий қисми. Б.- қонун ва б. ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган айрим ҳаракатлар ва муайян ҳаракатларни содир этишдан тийилишдир.

Вафодорлик – юксак маънавий фазилатлардан бири ҳисобланиб, садоқат, ўз аҳду паймонида, сўзида, ваъдасида қатъий туришини англатади. Вафодор одам тилини ёлғон, ғийбат ва бўҳтон сўзлардан сақлайди. Инсоннинг вафоси дили ва тилида бирдек намоён бўлади.

Масъулият – ижтимоий аҳамиятли бурч ва вазифаларнинг бажарилишига, оқибатига хатти-ҳаракат негизида ётган ахлоқий тамойилларга амал қилинишига муайян кимса ёки социал гуруҳнинг жавобгарлигини билдирадиган фалсафий – ахлоқий категория.

Оила – эр-хотинлик иттифоқи, қариндошлик алоқаларига, умумий ҳўжалик юритадиган эр ва хотин, ота-она болалар, ака-ука ва опа-сингиллар ва қариндошлар ўртасидаги муносабатларга асосланадиган кичик ижтимоий гуруҳ; жамиятнинг асоси, давлат қудратининг манбаи.

Ота-она ва фарзанд муносабати - асосан тарбияга боғлиқ. Тарбиянинг эса услублари кўп. Ўргатиш, тушунтириш, таъқиқлаш ва ҳоказо. Лекин тарбиянинг энг самарали усули – намуна кўрсатиш.

Қадрият – воқеликдаги муайян ҳодисаларнинг умуминсоний, ижтимоий – ахлоқий, маданий – маънавий аҳамиятини кўрсатиш учун қўлланадиган фалсафий-социологик ва аксиологик тушунча.

Қариндошлик – бу аслида фарзандлар ўртасидаги муносабатларнинг бевосита давоми бўлиб, бу кишиларнинг наслий боғланишлари натижаси.

СОҒЛОМ ОИЛА МУҲИТИ ОМИЛЛАРИ

Оила – нафақат бир юртнинг, балки умуминсониятнинг катта сиёсати. Айтиш керакки – давлат сиёсати. Нега деганда, башариятнинг тириклиги, узлуксизлиги – оиладан!

Бордию оила тузук бўлмаса, тарбияга ҳам эътибор берилмаса, қанча буюк бўлса ҳам, бундай миллат дунёда узоқ яшай олмайди. Буни донишмандлар кўп таъкидлашган: “Миллатлар шарафини юқори мартабага кўтарадиган нарса миллионлар ила саналадиган аскарлар-у, дунёда энг буюк ва зўр бўлган кемалар эмас, балки энг оз эътибор берадиганимиз ё бўлмаса, ҳеч бир замон эътибор бермасдан қоладиганимиз – оиладир. Оила низомсиз бўлса, унинг ёмон оқибати бутун миллатга таъсир этади ва шу сабабдан фазилат ерига разолат, тараққиёт ўрнини тубанлик негиз қуради... Агар бир миллатга бундай ҳол рўбарў келса, у миллат китобининг сўнгги варағи осилади...”

Ҳақиқатдан ҳар бир инсон даставвал, оилада ўрин тополмаса – жамиятда ўрин топиши қийин, оилада кадр тополмаса – жамиятда кадрланиши даргумон; оилада меҳрибонлик кўрмаса, оилада меҳрсиз улғайса жамиятда ҳам бегоналардай яшайди.

Қайга бормайлик оилага келамиз, ким бўлмайлик оила аъзосимиз. Оила маънавияти қанчалик бой, теран ва чуқур бўлса – жамият ҳам шу қадар бой бўлади. Бинобарин, оила маънавияти – миллийликнинг барча аломатларини ифодаловчи кузгудир. Муҳтарам Президентимиз таъбирлари билан айтганда, “Ҳар қайси миллатнинг ўзига хос маънавиятини шакллантириш ва юксалтиришда, ҳеч шубҳасиз оиланинг ўрни ва таъсири беқиёсдир. Чунки инсоннинг энг соф ва покиза туйғулари, илк ҳаётий тушунча ва тасаввурлари биринчи галда оила бағрида шаклланади”.

Мамлакатимизда оила барқарорлиги – жамият барқарорлиги сифатида эътироф этилиб, шахснинг оилада камол топиши учун барча ҳуқуқий асослар яратилган. Жумладан, Ўзбекистон Республикаси Конституциясида оила жамиятнинг асосий бўғинидир ҳамда жамият ва давлат муҳофазасида бўлиш ҳуқуқига эгадир, деб белгилаб қўйилган.

Оила бошқа тарбиявий муассасалардан фаркли равишда одамнинг бутун ҳаёти давомида унинг барча томонларига, кирраларига таъсир кўрсатишга қодирдир ва одатда таъсир кўрсатади. Оила тарбия

вазифасининг бу улкан миқёси унинг мафкуравий ва психологик таъсир кўрсатишнинг чуқур ўзига ҳослиги билан уйғунлашиб кетади. Бу эса уни олий даражада таъсирчан қилибгина қолмай, шу билан бирга шахсни шакллантириш жараёнининг зарур бўғинига ҳам айлантиради.

Оиланинг юксак тарбиявий имконияти шахслар ва ота-оналарнинг узига хос хусусиятлари: қон-қариндошлиги, муҳаббати, яқинлиги, ишончи, бурч ҳисси, обрўлилиги ва ҳоказолар билан таъминланади. Ўз фарзандининг барча заиф ва кучли томонларини йўргакдаги чоғидан биладиган, унинг қалбидаги энг кичик ҳаракатни ҳам сезадиган ва тушунадиган, унга таъсир этишни биладиган онадан ва отадан яхшироқ ким ҳам уларни эзгуликка, меҳнатсеварликка, дўстликка, муҳаббатга ўргата олади!

Оила бошқа тарбиявий муассасалардан фарқли равишда одамнинг бутун ҳаёти давомида унинг барча томонларига, қирраларига таъсир кўрсатишга қодирдир ва одатда таъсир кўрсатади. Оила тарбия вазифасининг бу улкан миқёси унинг мафкуравий ва психологик таъсир кўрсатишнинг ўзига ҳослиги билан уйғунлашиб кетади. Бу эса уни олий даражада таъсирчан қилибгина қолмай, шу билан бирга шахсни шакллантириш жараёнининг зарур бўғинига ҳам айлантиради.

Маънавий, ахлоқий, психологик тарбия аввало оиладан бошланади. Оила тинч, мустаҳкам ва фаровон бўлсагина, жамиятда ривожланиш бўлади. Бу эса ўз навбатида маънавий ва руҳий муҳитнинг соғломлигига етарли замин яратади. Фарзандларимиз, ёшларимиз бизнинг нафақат ишончимиз ва келажагимиз, балки бугунги ва эртанги кунимизнинг ҳал қилувчи кучидир.

Оиладаги муҳитнинг бузилиши уни кундалик ҳаётини издан чиқаради ва унга тўсқинлик қилади. Оилада носоғлом муҳитнинг юзага келишига ота-онанинг ўзаро жанжаллари, айниқса, онанинг тинимсиз оила аъзоларига ўз фикрини ўтказишга жон-жаҳди билан интилиши турмуш ўртоғида ва болаларида унга нисбатан бўлган ҳурмат ва эътиборнинг пасайишига олиб келади. Шунини унутмаслик лозимки, оилада она болаларининг энг яқин ишонган одами бўлмоғи керак. Ўз фикрларини биринчи галда она ёки ота билан ўртоқлашиши ва маслаҳатлар олиши ўсмирда оилага бўлган ҳурматини ва меҳрини оширади.

Оиладаги соғлом психологик муҳит мезонларига қуйидагиларни киритиш мумкин:

- Ота-она психологияси (отанинг феъл-атвори, онанинг феъл-атвори, темпераментлари, шахс тоифалари);
- Оиладаги бошқа кишилар психологияси (буви-бобо, амаки-тоғалар, амма-холалар, ака-укалар ва бошқ.);
- Оиладаги ўзаро муносабатлар (эр-хотин, ота-она ва фарзанд, қайнона-келин, овсинлараро, жинслараро муносабатлар ва бошқ.);
- Оила турлари (нуклеар, кўп поғонали, расмийлаштирилган, шаръий никоҳ, ажралишганлар, иккинчи никоҳ, бефарзанд, кам фарзандли, серфарзанд, маълумот даражаси бўйича турлича, яшаш ва иш фаолияти бўйича турлича, иқтисодий таъминланганлик бўйича турлича, байналминал, бир миллатли, тўлиқ, нотўлиқ ва бошқ.);
- Оила аъзоларининг савияси, дунёқараш даражаси (зиёлилар, диндорлар, маълумоти юқори, ўрта, тугалланмаганлар);
- Оиланинг яшаш шароити (маҳалла, ҳовли типига, кўп қаватли уйларда яшайдиганлар ва бошқ.);
- Оилавий бандлик (хунармандлар, ишсизлар, тадбиркорлар, фермерлар, ўқитувчилар, шифокорлар, ҳайдовчи ва бошқ.).

Ўзбекистон Республикаси биринчи Президенти Ислон Каримовнинг оила, аёл, соғлом болага оид билдирган фикрларини диққат билан ўқиб, мазмунини англаб олишингизни тавсия этамиз: “Маълумки, бу ёруғ оламда ҳаёт бор экан, оила бор. Оила бор экан, фарзанд деб аталмиш бебаҳо неъмат бор. Ҳар қайси онгли инсон жондан азиз фарзандининг бахтини, камолини ўйлаб, ҳамиша эзгу орзу-интилишлар билан яшайди, ўз зурриёдининг ҳар томонлама соғлом ва баркамол бўлишини истайди”.

“Соғлом бола, соғлом авлод орзуси ажодларимиздан бизга ўтиб келаётган, қон-қонимизга сингиб кетган азалий интилишдир. Агар ота-боболаримизнинг турмуш ва тафаккур тарзига назар солсак, улар инсоннинг насл-насабига, етти пуштининг тозалиги, авлоднинг соғлиғига жуда катта эътибор берганини кўрамиз”.

“Соғлом бола соғлом ва аҳил оиланинг меваси бўлиб, фақатгина соғлом онадан соғлом бола туғилади. Асрлар давомида ўз тасдиғини топган бу ҳақиқатни тушунтириб, изоҳлаб ўтиришнинг ҳожати йўқ, деб ўйлайман. Барчамизга яхши аёнки, ҳар бир инсон аввало Оллоҳнинг марҳамати билан, она зотининг ўз боласини юраги остида асраб, тўққиз ой давомида тортган машаққатлари туфайли дунёга келади. Шу боис ҳаммамиз Яратганнинг буюк мўъжизаси бўлган азиз аёлларимиз

тимсолида ҳаёт абадийлигини таъминлаб келаётган табаррук зотларни кўрамиз. Ер юзида ҳаёт пайдо бўлибдики, одамзот мўътабар она сиймоси олдида ҳамиша таъзим қилади. Муборак ҳадислардаги “Жаннат – оналарнинг оёғи остидадир” деган сўзлар ҳам ана шу юксак меҳр ва эҳтиромнинг ёрқин ифодасидир. Аёлларга шарқона эҳтиром ва эъзоз кўрсатиш – биз учун ота-боболаримиздан қолган ибратли мерос бўлиб, биз бундай анъаналаримизга доим содиқ бўлиб яшаймиз”.

“Биз мустақилликка эришганимиздан сўнг соғлом ва баркамол авлодни вояга етказиш, биринчи навбатда, оила, оналик ва болаликни ҳимоя қилиш масаласини ўзимиз учун энг муҳим, устувор вазифа сифатида белгилаб олдик”.

“Ҳақиқатан ҳам, болага эътибор бўлажак онага эътибор қаратишдан бошланиши керак. Чунки ҳомиладор аёлнинг руҳий-физиологик ҳолати, барча ҳис-туйғулари, кайфияти она вужуди орқали болага ўтади. Бундан хулоса шуки, болани эъзозлаш учун аввало онани эъзозлаш керак. Бу борада барчамиз масъул эканимизни унутмаслигимиз зарур”.

“Бу ҳақда гапирганда, бир қарашда арзимас нарсадек туюладиган, лекин ҳаётда катта аҳамиятга эга бўлган муҳим бир масалага алоҳида тўхталиш жоиз. Яъни, оилаларимизда соғлом маънавий муҳитни ташкил қилиш, хусусан, эр-хотин, ота-она ва фарзандлар, қайнона ва келин ўртасидаги муносабатлар, қўшничилик муносабатларининг ўзаро ҳурмат, меҳр-оқибат руҳида бўлишига эришиш – бу юртимиздаги тинчлик-осойишталик ва аҳилликни янада мустаҳкамлашнинг энг муҳим шарти эканини доимо эсда тутишимизни истардим”.

“Энг муҳими, “Она ва бола соғлом бўлса, оила бахтли, оила бахтли бўлса, жамият мустаҳкам бўлади” деган ҳаётбахш ғоя ҳар бир юртдошимизнинг қалбига чуқур кириб бориши, ана шу улуғ ишга муносиб ҳисса қўшиш барчамизнинг муқаддас вазифамизга айланиши лозим”.

ОИЛАВИЙ МУНОСАБАТЛАР ТУШУНЧАСИ ВА МОҲИЯТИ

Оилавий муносабатлар энг умумий тарзда қаралганда, эр-хотин муносабати, ота-оналик-фарзандлар муносабатларидан иборат. Бу муносабатлар мазмунида, шубҳасиз, табиий муносабатлар, ота-оналик ва фарзандлик ҳисси, яъни қон-қардошлик муносабатлари муҳим аҳамият касб этади. Аммо бу ҳиссиётлар табиийлигича намоён бўлмай, ижтимоий шаклда ахлоқий-эстетик, психологик муносабатлар тарзида намоён бўлади. Шунга кўра оилавий муносабатлар тизимида табиий, ахлоқий, эстетик, психологик муносабатларни фарқлаш мумкин. Бундан ташқари иқтисодий ва ҳуқуқий муносабатлар ҳам мавжуд бўлиб, улар оилани мустаҳкамлашда муҳим мавқега эга.

1. Оилавий муносабатлар биринчи навбатда эр-хотин ўртасидаги табиий-биологик муносабатларнинг таркибий қисмидир. Эркак ва аёлнинг бир-бирига интилиши табиий ҳодиса бўлиб, бу муносабат бевосита оиланинг асосини ташкил этади. Жамият эркак ва аёл ўртасидаги табиий-биологик муносабатнинг қай тарзда рўй беришига бефарқ қараб туролмайди. Чунки, ишлаб чиқарувчи кучларни сақлаш ва ривожлантириш, жамият аъзоларининг ўзаро муносабати маданиятининг такомиллашуви, камолоти жамиятнинг асосидир. Шунинг учун ҳам ҳар бир жамиятда эркак ва аёл ўртасидаги табиий-биологик муносабатлар бетартиб, стихияли рўй бермай, муайян, барқарор, ижтимоий-маданий шаклда, никоҳ йўли билан бўлиб, улар ҳуқуқий қонунлар ва ахлоқ норма-қоидалари, урф-одат, жамоатчилик фикри, қолаверса давлат, жамоат ташкилотлари томонидан бошқарилиб борилади.

Оилавий муносабатларнинг шаклланиши жараёнига эътибор берар эканмиз, никоҳ ва оилани бир-биридан фарқлашимиз лозим. Никоҳ оиладан илгари вужудга келган бўлиб, даставвал патриархал оила вужудга келишига қадар, уруғчилик даврида фақат жинсий табиий ҳаётни бошқариб борган. Оила вужудга келгандан сўнг эса кишилар ҳаётнинг ҳуқуқий, ахлоқий ва маиший соҳаларига ҳам кириб борган. Бугунги ривожланган жамиятда эса, оилавий муносабатлар маданий ҳарактерга эга бўлиб, албатта жамоатчилик фикри билан ҳисоблашиб, яшаётган жамиятдаги оила қуриш анъаналари ва қонун-қоидаларига риоя қилиб яшашни тақазо этади.

2. Оилавий муносабатларнинг муҳим таркибий қисми – оила аъзолари ўртасидаги иқтисодий-мулкӣ муносабатдир, яъни оила турмушини ташкил этишдир. Юқорида таъкидлаганидек, жамият ўз аъзолари ўртасидаги табиий-биологик, шунингдек, қон-қариндошлик, мулкӣ муносабатларни ҳуқуқӣ қоидалари билан бошқариб боради.

3. Оиладаги ҳуқуқӣ муносабатлар оила аъзоларининг ўзаро ҳуқуқи ва мажбуриятлари йиғиндисидир. У оила ҳаётининг энг муҳим томонларини тартибга солиб туради ҳамда энг аввало жисмоний кучга – давлат муассасалари кучига таянади.

4. Оиладаги ахлоқӣ муносабатлар мазмуни, таъсири жиҳатидан ҳуқуқӣ муносабатлар билан чамбарчас боғлиқдир. Бироқ, ахлоқӣ муносабатларнинг таъсир доираси жуда икир-чикирларидан тортиб, оила ҳаётини ҳал қилувчи ҳодисаларгача бошқариб туради. Чунончи, оила аъзоларининг кийиниши, овқатланиши, дам олиши, фарзандларини ўқитиши, уйлантириши ҳам ахлоқӣ қоидалар воситаси билан бошқарилиб турилади. Шунинг учун ҳам мустақилликка эришганимиздан кейинги оилага оид тадқиқотларнинг мавзулари оилавий муносабатларнинг ахлоқӣ жиҳатларига бағишланган бўлиб, замонавий оиланинг ва давлат сиёсатининг бу борадаги амалга оширилаётган йўналишларга эътибор берилмоқда.

5. Оила маънавий ҳаётининг муҳим таркибий қисмларидан бири руҳӣ муносабатлардир. Руҳӣ муносабатлар кўп қиррали бўлиб, у эр-хотин ўртасидаги севги-муҳаббат ҳиссиётини, ота-оналик, фарзандлик меҳри, шунингдек, оила аъзоларининг кайфиятлари, хулқи, қизиқишлари ва ҳоказолардир.

6. Оилада эстетик муносабатлар энг аввало, эр-хотининг ўзаро севги-муҳаббатига асосланиб, бир-бирининг маънавий ва жисмоний гўзаллигини идрок қила билиши ва ундан завқлана олиши, оталик, оналикни гўзаллигини тушуна олиши ва уни юксак қадрланишини ифодалайди. Оилада эстетик муносабатлар – оила ҳаётининг ташқи ифодаси, намоён бўлиш шакли бўлгани ҳолда, оилада ахлоқӣ-руҳӣ муносабатларнинг ривожланишига, бинобарин, оиланинг мустаҳкамланишига кучли таъсир қилади.

Юқорида таъкидланган муносабатлар тизими ўзаро алоқадорлиги, уларнинг яхлитлиги, оилавий муносабатлар маданиятини ифодалайди. Оилавий муносабатлар маданияти эр-хотин ўртасидаги табиий-биологик

муносабатларни, оила аъзолари ўртасидаги қон-қариндошлик муносабатларини ифодалаш оиланинг заминини ташкил этади. Оила аъзолари ўртасидаги ҳуқуқий, ахлоқий-эстетик, руҳий муносабатлар эса унинг устқурмасидир.

Тадқиқотлар шуни исботладикки, оиланинг тўлиқ бўлиши, яъни, унда ҳам ота, ҳам онанинг тинчлик-тотувликда яшашлари ва унда нормал инсоний муносабатлар, соғлом маънавий муҳитнинг мавжудлиги боланинг ҳар томонлама яхши ривожланиши, соғлом, ақлли, кучли ирода соҳиби бўлиб етишига, тўғри ижтимоий тасаввурлар шаклланишига замин бўлади. Олимларнинг таъкидлашича, “Болага ҳам отанинг ҳам онанинг бўлишини зарурати шу билан изоҳланадигки, масалан, қиз бола онаси ва унинг оилада ўзини тутишига қараб, ўзини аёллар жинсига тааллуқли эканлигини англашдан ташқари, келажакда қандай она бўлишини тасаввур қилса, отасига, унинг онасига бўлган муносабатига қараб, ўзини келажакда оила қурганда қандай оила соҳибаси бўлиши лозимлигини англаб боради. Худди шундай, ўғил бола онасининг фазилатлари, оиладаги тутими ва отасига муносабатини идрок қилиб борар экан, келажакда қандай қиз билан турмуш қуриш мумкинлиги, танлайдиган қизи қандай сифатлар соҳибаси бўлиши лозимлигини билиб борса, отаси ва унинг оилада мавқеига қараб, ўзини эркак сифатида келажакда тасаввур қилиш билан биргаликда турмуш ўртоғига қандай муносабатда бўлиш лозимлиги тўғрисида билим ва тасаввурларини орттириб боради. Бу психологик қонуният бўлиб, шахснинг оиладаги шахсий ва жинсий социализациясининг етакчи тамойили ҳисобланади тадқиқотлар шуни исботладикки, оиланинг тўлиқ бўлиши, яъни, унда ҳам ота, ҳам онанинг тинчлик-тотувликда яшашлари ва унда нормал инсоний муносабатлар, соғлом маънавий муҳитнинг мавжудлиги боланинг ҳар томонлама яхши ривожланиши, соғлом, ақлли, кучли ирода соҳиби бўлиб етишига, тўғри ижтимоий тасаввурлар шаклланишига замин бўлади.

Шунинг учун оилани мустақкамлаш мақсадида ҳамиша оилавий муносабатларни такомиллаштириб келинган. Оилавий муносабатнинг софлиги унинг болалардаги хулқ-атворга, маънавий камолоти таъсирини кучайтириш, кўп ҳолларда ота-она ўртасидаги ва уларнинг болалар билан ўзаро муносабатига боғлиқ бўлади. Оиладаги кундалик муносабат, бу ҳаётини эҳтиёж болани ижтимоий-маданий ҳаётга тайёрлашнинг асосидир. Ота-онанинг оиладаги моддий, ташкилий, тарбиявий ва ўзаро шахсий

масалалар юзасидан бир-бири билан бўладиган ўзаро муносабатлари соф, самимий, эрнинг хотинга, хотиннинг эрга нисбатан ўзаро ҳурмати, уларнинг ҳар қандай мураккаб шароитда ҳам ўзаро бир-бирини тушуна олиши, иффати асосига қурилсагина, бундай оилада мусаффо маънавий муҳит вужудга келади. Отанинг онага, онанинг отага бетакаллуфлиги, бир-бирига қўпол муомаласи, ҳаётий қийинчиликларини енгишлиги, бола тарбиясидаги, оиланинг моддий таъминотидаги турли фикрлилик шу оиладаги ўзаро муносабатларнинг бузилишига олиб келади.

Оилавий муносабатларда айниқса ота-она муносабатидаги сабрлилик, ўйлаб, ақл-заковат билан оилавий юмушларни биргаликда маслаҳат билан ҳал этиши, уларнинг бир-бирига меҳрибонлиги, фарзандларга бир хилда муомалада бўлиши, ҳар иккала томонининг қариндош-уруғларига, қўни-қўшниларига бир хилда меҳр-муҳаббат, ҳурмат билан қараши, бир сўзлиги, ҳақиқатни гапириш каби ижобий фазилатларга эга бўлиши, шунингдек ичиш, чекиш, ёлғончилик, маиший бузуклик, димоғдорлик, манманлик ва бошқа шу каби иллатлардан ҳоли бўлиши оилавий муносабат маданиятининг софлигини таъминловчи хусусиятдир. Оилада ота-оналарнинг жамиятдаги барча кишилар билан ўзаро муносабатлари, уларга ҳайрихоҳлиги, айниқса маҳалладаги фаоллиги, қўни-қўшнилари билан ижобий муносабатлари фарзандларни ҳулқига, ўзини-ўзи тўғри англашига ва назорат қилишига имкон яратувчи ижтимоий таъсир усуллари ҳисобланади.

Оилавий муносабатларнинг умумий тушунчаси жуда кенг бўлиб, алоҳида аниқ фикрлаш билан чегаралаш мумкин эмас. Чунки оиладаги икир-чикирлар унинг тузилиши, ўзаро муносабатлар янги-янги қирраларини келтириб чиқарадики, бу эса оилавий муносабатларни янада кенроқ доирада тушунишликни тақазо этади. Оиланинг моҳияти унинг муносабатларида акс этган бўлиб, фақат ўзаро ҳамкорлик, оила аъзоларининг бир-бирларига муносабатлари асосида қурилади ва оиладаги муҳит унинг муносабат моҳиятини англатади.

Барча ишлар, оиланинг ўзаро тузилмаси унинг олдидаги вазифаларни бажаришга боғлиқ. Эр-хотиннинг ўзаро ҳамкорлиги, бир-бирини тушиниб, барча зиддиятларни яхшилик йўли билан ҳал қилиш, барча оилавий вазифаларни ижобий ҳал этишда омил бўлади. Оила аъзоларини бир ёқадан бош чиқаришга нисбатан хоҳиши (афиллятив мотивацияси)ни шакллантиришда ота-оналарнинг ўзаро бир-бирларини

тушуна олишлари, қўллаб қувватлашлари энг асосий намуна вазифасини бажаради.

Аслида оилада шаклланган муносабатлар мазмуни унчалик кўзга кўринмайдиган майда муносабатларга ўхшаса-да, унда шахс руҳиятини туб-тубига сингиб қоладиган нозик туйғулар, маънавий фазилатлар, тиббий саломатликни таъминловчи кучли таъсирлар яширинган бўлади. Шу боис, бугунги кун оиласидаги муносабатларни қанчалик инсонни улуғлашга, эъзозлашга, миллий қадриятларга хурмат, эҳтиром кўрсатишга йўналганлиги ундаги камол топаётган эртанги кун авлодини, миллат давомчиларини шахсиятини, инсоний қиёфасини таркиб топтиришда биринчи ва ўзгармас пойдевор вазифасини бажаради. Зеро, инсондаги маънавий ички структура оилавий таъсирлар муҳитида таркиб топади.

АЖРАЛИШ ВА УНИНГ ПСИХОЛОГИК ТАЪСИРИ

Ажралиш каерда юз берса, оқибати нафақат икки инсонга, балки унинг атрофидагиларга ҳам кўпроқ таъсир этади деган саволга кўпчилик, бу - албатта оилада юз беради деб жавоб беришади. Чунки бирор меҳнат ёки ўқиш жамоасидан ажралиш, одамга оиладан ажралишдек кучли таъсир этмайди.

Оила бор ерда минг афсуски, “ажрим” тушунчаси ҳам мавжуд бўлар экан. Аксарият ҳолатларда никоҳнинг барбод бўлиши кўплаб ички руҳий сиқилишлар, зиддиятлар, салбий оқибатларни келтириб чиқаради. Шунинг учун ҳам биз бор кучимиз билан пайдо бўлган ҳар қандай оилани, қайд этилган ҳар қандай никоҳнинг барқарор бўлиши ва бузилмаслигига ҳаракат қиламиз.

Ажралиш - бу ҳар бир инсон учун ҳаётидаги қаттиқ изтироб чекиш ҳолати ва давридир. Бунинг натижасида кўпчилик нохуш ҳолларнинг келиб чиқиши, яъни ҳаёлга берилиб автомобил ҳалокатига ёки турли бахтсиз ҳодисаларга учраш, алкоголь ичимликларга берилиш, руҳий ва жисмоний хасталикларга дучор бўлиш юзага келади ва бундай нохуш ҳодисаларнинг амалга ошишида бош сабабчи - шу ажралиш бўлади. Шунинг учун оила қургач, уни сақлаб қолишга ҳаракат қилиш лозим.

Оилавий ажралишлар туфайли жамиятда бир қатор салбий ҳолатлар юзага келади:

- нотўлиқ оилалар сони кўпаяди;

- оилалараро ёки қариндошлараро адоват юзага келади;
- бир жинснинг иккинчи жинсга нисбатан нафрати пайдо бўлади;
- никоҳдан ташқари муносабатлар ортади;
- шахснинг ижтимоий фаоллиги сусаяди.

Оила ажралиши оқибатида оила аъзолари психологик ҳолатида қуйидагилар намоён бўлади:

- ✚ оила меваси бўлмиш бола руҳиятида тиклаб бўлмайдиган чуқур ўзгаришлар рўй беради;

- ✚ оиланинг ҳар бир аъзоси психологиясида ишончсизлик, ғазаб, қахр, ўч олиш, агрессивлик каби бир қатор салбий хислатлар вужудга келади;

- ✚ эркакларда ёлғизлик хиссининг ортиши, гиёҳвандлик ва ичкиликбозликка берилиш, турли касалликлар;

- ✚ аёлларда ёлғизликни ҳис қилишнинг ортиши, қайта оила қуриш имкониятининг чекланганлиги, неврозлар, стресслар, турли хасталиклар, ўз жонига қасд қилиш;

- ✚ оилада тинчи бўлмаган, ажралишга йўлиққан одамнинг меҳнати, ўқиши, фаолияти самарадорлиги пасайиб кетади;

- ✚ саломатлигига, ҳаётдаги қизиқишларига путур етади;

- ✚ умри қисқаради ва бошқа бир қатор ҳолатлар.

АЖРАЛИШ ОМИЛЛАРИ

Кўпинча ажрашаётганлардан ажралиш сабабини сўралса, улар қандайдир ҳамма учун стандарт бўлиб қолган сабабларни кўрсатишга ҳаракат қилишади. Масалан, «характеримиз мос тушмади», «ўзга шахснинг аралашуви», «қўполлик», «моддий қийинчилик», «ичкиликбозликка берилиш», «яшаш шароитининг ноқулайлиги», «оталарнинг ноўрин аралашуви» ва ҳ. к. Агар таҳлил қилиб кўрадиган бўлсак, вазиятга қараб, бундай кўрсаткичлар баъзиларда сабаб, баъзилар учун эса баҳона вазифасини ўтайди. Шунини алоҳида таъкидлаш лозимки, оиладаги маънавий-руҳий иқлим қанчалик мустаҳкам ва эр-хотинлар бир-бирини қанчалик яхши тушунсалар бу «сабаблар» (баҳоналар) оиланинг инкирозига асосий сабаб бўла олмайди. Ёшлар (эр-хотин) ўртасидаги муносабат қанчалик нохуш бўлса, бу баҳоналар шунчалик кучли ва салбий таъсир кўрсатади ва бу ҳолатлар ажралишларнинг сабаби бўлиб қолиши мумкин.

Ўзбек оилаларида: «турмуш ўртоғининг қўполлиги», «турмуш ўртоғига нисбатан қўпол муносабатда бўлиш», «турмуш ўртоғининг ота-онаси ва бошқа қариндошларининг аралашуви», «турмуш ўртоқлардан бирининг оилани умумий масалаларига бефарқ қараши» кабилар кўпроқ сабаб бўлса, Европа халқлари оилалари учун эса ажралиш сабаблари сифатида аксарият ҳолларда, ичкиликбозликка берилиш, эр-хотин хиёнати, характерларнинг мос келмаслиги кабилар қайд этилади.

Ажралишларнинг сабабларини аниқлаш мақсадида ўтказилган тадқиқотларнинг кўрсатишича, ўзбек оилаларида ажралишларнинг сабаблари сифатида кўрсатилган таъсирлардан асосийлари, юқорида қайд этилганидек, «турмуш ўртоғининг қўполлиги», «ота-оналар ва бошқа қариндошларнинг аралашуви», «бир-бирига нисбатан бефарқлик», «эр-хотиндан бирининг оилавий масалаларга нисбатан бефарқлиги» кабилар ажралиш сабаблари сифатида кўрсатилган.

Шундай қилиб, ажралиш муаммоси ҳозирги пайтда жамиятнинг энг долзарб муаммоларидан бири бўлиб қолмоқда. Оилаларни ажралишларининг мавжудлиги бизнинг республикамизда ҳам кенг жамоатчилик диққатини ўзига қаратиб, бу муаммонинг ечимини топиш учун керакли чораларни кўришга даъват этмоқда. Чунки юқорида қайд этилганидек, ажралишлар натижасида миллионлаб одамлар - энг аввало, фарзандлар, аёллар, қолаверса эркаклар ва ҳатто ажралишганларнинг яқинлари ҳам «маънавий жароҳат» оладилар.

Буларнинг барчаси ўзбек оиласида ажралиш масаласига жиддийроқ эътибор бериш лозимлигини ва унинг олдини олиш, салбий асоратларни камайтириш чора-тадбирларини илмий асосланган ҳолда ишлаб чиқиш зарурлигини кўрсатади.

Ажралишнинг сабабларидан бири бўлғуси куёв билан келинга ҳамма нарса зеб-зийнат, данғиллама уй, ҳатто уй жиҳозларигача тайёрлаб қўйилишидир (ҳаётий мисол). Ҳаётий кузатишлар никоҳларининг бекор бўлишига асосан қуйидагилар сабаб бўлаётганлигини кўрсатмоқда.

1. Келин-куёвларнинг турмушига ота-оналарнинг ўринсиз аралашуви.
2. Янги оиладаги шароит билан ҳисоблашмаслик.
3. Умр йўлдошини маълум мақсадни кўзлаб танлаш.
4. Оилада тенглик қонуниятини бузилиши.
5. Эр-хотин характерининг келишмай қолиши.

6. Ота-онанинг тарбияда йўл қўйган хатолари.
7. Хотиннинг уй-рўзғор тута билмаслиги.
8. Эр-хотиндан бирининг ичиши.
9. Эр-хотиндан бирининг бевафолиги.
10. Узоқ муддат фарзандсизлик.
11. Хотинни маънавий қарашларидан иқтисодни устун қўйиши.

Шундай қилиб, ажралиш муаммоси ҳозирги пайтда жамиятнинг энг долзарб муаммоларидан бири бўлиб қолмоқда. Оилаларни ажралишларининг мавжудлиги бизнинг республикамызда ҳам кенг жамоатчилик диққатини ўзига қаратиб, бу муаммонинг ечимини топиш учун керакли чораларни кўришга даъват этмоқда. Чунки юқорида қайд этилганидек, ажралишлар натижасида миллионлаб одамлар, энг аввало, фарзандлар, аёллар, қолаверса эркаклар ва ҳатто ажралишганларнинг яқинлари ҳам «маънавий жароҳат» оладилар.

Буларнинг барчаси ўзбек оиласида ажралиш масаласига жиддийроқ эътибор бериш лозимлигини ва унинг олдини олиш, салбий асоратларни камайтириш чора-тадбирларини илмий асосланган ҳолда ишлаб чиқиш зарурлигини кўрсатади.

Хулоса ўрнида биринчи Юртбошимиз И. Каримовнинг “Юксак маънавият – енгилмас куч” китобларидан пурҳикмат сўзларни келтирамиз: “Оила соғлом экан – жамият мустаҳкам, жамият мустаҳкам экан – мамлакат барқарордир”.

ОИЛАНИ САҚЛАШ ВА АЖРАЛИШДАН ЙИРОҚ БЎЛИШ УЧУН ТАВСИЯЛАР

1. Турмуш ўртоқ танлашда шошилмаслик ва адашмасликни ёшларга уқтириш.
2. Ҳаёт тақозоси билан ва тажрибали кишилар маслаҳатларига кўра ажралиш муқаррар бўлса, вақтни чўзмаслик ва фарзанд кўрмасликни тавсия этиш.
3. Ажралишни яқинлар, қариндошлар орасига совуқчилик туширмаслиги, улар орасидаги муносабатларнинг бузилишига олиб келмаслигига эътибор бериш зарур.
4. Ажралишганларнинг ўзаро муносабатларида ижобий муносабатни сақлаб қолинишига ҳаракат қилиш. Бу, аввало, улар фарзандлари, ота-

оналари, қолаверса ўзининг манфаати эканлигини унутмаслик. Эр-хотин ажралиши болалари отасиз ёки онасиз ўсишига, ота ва онадан ажралишига олиб келмаслиги керак.

5. Ажралиб кетганлар фарзандларингизга собиқ турмуш ўртоқлари тўғрисида салбий маълумотлар бериб, у ҳақда салбий тасаввур шакллантиришга уринмасинлар, чунки бундай тасаввурнинг шаклланиши бола келгуси ҳаётига, шахсий оила муносабатларига, қайнона-келин муносабатларига ва фарзанд - ота-она муносабатларига салбий таъсир қилади.

6. Ажралиш бу яқин одамлар тақдирига ҳам салбий таъсир кўрсатишини унутмаслик даркор. Шу сабабли бу юзасидан асоссиз енгил қарорлар чиқаришдан сақланиш. Бу борада катта ҳаётий тажрибага эга бўлган яхши кишилар билан маслаҳатлашни жорий этиш ва қўллаш керак. Бир оилани сақлаб қолиш учун қилинадиган ҳаракат бу савоб иш эканлигини ёдда тутиш лозим.

Шу ўринда бахтли оила қуриш қоидаларига риоя этишни уқтирмакчимиз, Чунки Оилада бахтли ҳаёт кечиришга ҳар бир ўғил ва қиз болани эрта равишда ўргатиш, бунинг учун унинг онгида оила муқаддаслиги ва қадрли эканлиги тушунчасини шакллантириши зарур. Тўғри, ўспирин ёшдагиларнинг бундай тасаввурга эга бўлиши қийин албатта, чунки оила-никоҳ муносабатларининг ўзига хослигини билиш, икир-чикир муаммоларини тушуниш масаласи кўпгина ҳаёт тажрибаси ва билимни талаб қилади. Бироқ, у никоҳ қуриш ёшига анча етмасданоқ оиланинг асосий мазмунини ташкил этадиган омилларни тушуна олишлари керак.

Турмуш кураётган шахс шу нарсани аниқ билиши керакки, оила бу аниқ-тарихий тизим сифатида эр-хотин, ота-она ва болалар ўртасидаги ўзаро муносабатдир; никоҳ ёки қариндошчилик муносабатлари орқали умумий хўжалик ва ўзаро маънавий жавобгарлик асосида оилагагина бир-бирига боғлиқлик юзага келади; фақат оилагагина фарзандлар туғилиши ва уларнинг тарбияси масаласи эркин ва табиий ҳал қилинади.

Оилада қайси ёшда бўлмасин унинг аъзоси бўлиш мушкул. Чунки ҳар бир ёш даврида юзага келадиган ўзига хос фазилатлар ва хусусиятлар мавжудки, бу томонлар ўзаро муносабатларда жуда эҳтиёткор бўлишликни талаб этади.

Оилавий ҳаёт ўзига хос равишда турли зиддиятлар ва низоли ҳолатлардан иборат бўлиши табиийдир. Лекин бу зиддиятларни бўлмаслиги ва олдини олишда ҳам ўзига хос қоидаларга риоя этиш лозим:

1. Турмуш ўртоғининг қизиқиши ҳамда ишларига ҳадеб аралашмаслик ва унга ишониш.

Ҳар қандай одамнинг ҳаётда ўз қизиқиши ва севимли машғулоти борлиги табиийдир. Чунки шу машғулот ёки қизиқиш билан банд бўлиш кишига кўп қувват бағишлайди. Лекин одамнинг шу иши ёки фаолиятига бошқаларнинг аралашуви, хатто турмуш ўртоғи бўлса ҳам, норозилик юзага келишига сабаб бўлиши мумкин.

Тарихий манбаларда қайд этилишича, дунёга машҳур ёзувчи граф Лев Толстой билан хотини дунёда энг бахтли яшашлари мумкин эди. Толстой бой-бадавлат, машҳур ёзувчи эди. Аста-секин Толстой бойликдан нафратланиб, ўзи ёзган китоблардан уяла бошлади. У барча бойлигини деҳқонларга бўлиб берди, ёғоч косада овқатланиш, чипта ковуш кийиш, ўз хонасини ўзи йиғиштиришни одат қилди. Буларнинг ҳаммасига хотинининг бойликка ўчлиги, пул, зеб-зийнатни яхши кўриши сабаб бўлди. Хотини хатто Толстойнинг ҳар бир нашр қилинган китоби учун қалам ҳақи - гонорарни талаб қиларди, Толстой эса бундан нафратланарди.

Оқибат, Толстой 82 ёшида совуқ октябрнинг қорли тунида уйдан чиқиб кетди ва 11 кундан кейин кичкина темир йўл станциясида вафот этди. Унинг сўнгги васияти хотинини ёнига қўймасликлари ҳақидаги илтимоси бўлди. Хотини ўз умрининг сўнгида, жон бераётиб қизларига айтгани “Оталарингнинг ўлимига мен сабабчи бўлдим”, - деган сўзлар эди.

Ҳозирги келтирилган воқеада аёл кишининг ҳаддан зиёд турмуш ўртоғига нисбатан талабчанлиги, унга нисбатан ўз хусусий буюми ёки нарсаси сифатидаги қараши умр сўнгида ана шундай афсус ва надоматларга олиб келар экан.

Демак, агар оилавий бахтни сақлаб қолиш истаги бўлса, турмуш ўртоқлар бир-бирларини тирноғи тагидан кир қидирмасликлари, шубҳа қилмасликлари, ишонч асосида ўз фаолияти ва қизиқишлари билан машғул бўлишга далда беришлари лозим бўлади.

2. Оилада меҳр ва муҳаббатли бўлиш, жуфтига яшаш имконини бериш!

Ҳаётда шундай ҳолатлар бўладики, эр-хотин муносабатларида эътибор, ғамхўрлик ва хушмуомалалик севги, муҳаббатга нисбатан ҳам ўз устунлигини кўпроқ кўрсатади. Айрим ҳолларда оилалар севги-муҳаббат эмас, балки совчилик ёки бошқа сабабларга кўра ташкил топган бўлса, биргаликдаги оилавий ҳаёт ва айниқса, эр-хотиннинг бир-бирига кўрсатадиган эътибори оилавий бахтни чинакам ҳис этишга асос бўлади. Масалан, турмуш ўртоғини ишдан келганида аёл киши майин табассум ва эътиборлилик билан кутиб олса, олиб келган оз бўлса ҳам харидига миннатдорчилик билдира олса, билинги, эртасига шу оила бошлиғи янада оиласига талпинади, келишга шошади ҳамда ўзида психологик жиҳатдан кимгадир кераклилик ҳиссини туяди.

Оилавий бахтга эришиш учун турмуш ўртоқларнинг мумкин қадар бир-бирига эътиборли, ғамхўр булиши бориб-бориб бу муносабат муҳаббатга ва севгига айланишига асос бўлар экан. Никоҳнинг муваффақияти бу одамнинг ўзига лойиқ одам топишидагина эмас, бу ўзининг ҳам шундай одам бўлишга қобил бўла олишидир. Шунинг учун оилавий ҳаётда чинакам бахтли яшаш истаги бўлса, турмуш ўртоқлар бир-бирини ўзгартиришга ҳаракат қилмасликлари маъқулдир.

3. Танқид қилмаслик!

Инсондаги асосий хусусиятлардан бири ўзини бошқалар томонидан бирор қилган иши ёки хатти-ҳаракати учун мақтов эшитишга ҳозирлик ҳолати ҳисобланади. Танқид эса, айниқса оила аъзоларидан кимдир томонидан айтилса, бу худди найзадек жигар-бағрини эзиши, кишини хафа қилиши мумкин.

“Келин салом” видеофильмидаги охириги сериядаги эр-хотин суҳбати эпизодини ҳам эсласак, у ҳолда қайнонанинг келинга бўлган танбеҳлари ўринсиз эканлигини тан олиши, турмуш ўртоғига нисбатан Отелло ролини ижросидаги рағбатлантирувчи сўзлари каби мисоллар кишиларни танқид қилгандан кўра, уларни яхши сифатларини кўра олиш қобилияти муҳим эканлигини янада исботлайди.

Демак, агар оилавий ҳаёт бахтини сақлаб қолиш хохиши бўлса, оила аъзоларини танқид қилмаслик керак.

4. Ҳаммани бахтли қилишнинг энг тез усулини билиш!

Одатда одамларда ким томонидандир миннатдорчилик сўзларини ва муносабатларини кутиш эҳтиёжи мавжуд бўлиб, шуни амалга ошириш ҳар қандай шахсни ўзини бахтли ҳис қилишига олиб келади.

Баъзан оддий, маълумот савияси юқори бўлмаган аёл ҳам оила шароитида эрининг фикри ва сўзларига диққат билан қулоқ солса, ёки бўлмаса, бир ходим иш жойида ҳамкасбига “менга ўзингиз ҳақингизда бирон нарса айтиб беринг”, деб сўраса, нима юз беради? Шунда албатта бу сўраган одамга нисбатан ички ишонч ҳосил бўлади.

Эркаклар эътибор бермайдиган бир факт шуки, аёллар учун энг муҳим нарса кийим ҳисобланади. 90 ёшга кириб кўздан қолган аёл ҳам хатто 40 ёшдаги расмида қандай кўйлақда эканлиги билан қизиқиши ва эслаши мумкин. Эркаклар беш йил олдин қандай кўйлақ кийганлигини умуман эсидан чиқариб қўйишади.

Демак, тўртинчи қоида шуки, оилавий бахтни сақлаб қолиш учун оила аъзолари бир-бирларига сидқидилдан миннатдорчилик билдиришлари керак.

5. Диққат-эътиборли бўлишни унутмаслик!

Мутахассисларнинг таъкидлашича, баъзан оддий, майда-чуйда одатлар: масалан, “ишга яхши бориб келинг”, “яхши бориб келдингизми” каби сўзлар, кутиб олиш, нарсани дарров кўлдан олиш каби одатлар оилани мустаҳкамлашда катта аҳамиятга эга экан. Чунки турмуш ўртоғини ишидан эътиборлик билан кутиб олган аёл ҳам ўз навбатида эри учун энг яқин ва севимли бўла олади.

Демак, бешинчи қоидани келтирамиз: оилада бир-бирига эр-хотинлар диққат-эътиборли бўлишлари даркор.

6. Бахтли бўлишни хоҳлаш!

Аёллар бегона одамга ҳеч қачон “Яна шу гапни қайтаряпсизми? қанча қайтариш мумкин?” деб айтмайдилар. Ҳеч қачон бегона одамнинг чўнтагини, шахсий буюмларини, хатларини титкиламайдилар. Энг яқин одамларига эса буларнинг барчасини раво кўришлари мумкин.

Маълум бўлишича, бизга энг қўпол, аччиқ сўзларни гапирадиганлар ўз оила аъзоларимиз ҳисобланар экан. Баъзи одамлар ўзининг тушкун кайфиятини ҳеч қачон уйдагиларга билдиришмайди. Айримлар эса кўчадаги барча кўнгилсизликлар учун бор дардларини уйдагиларга тўкиб соладилар.

Эркаклар бизнесда, тадбиркорликда муваффақиятга эришиш учун жон қўйишади, лекин бирорта эркак ҳеч қачон оилани сақлаб қолиш учун чин кўнгилдан жон қўйдирмайди.

Ҳар бир аёл ҳам эрига бу нарсаларнинг маълум эканлигини англайди, чунки аёлнинг ўзи эрини бу ҳақда тўла ахборот билан таъминлаб қўйган. Лекин аёллар нима учундир эрига ширин гапириб ҳамма нарсага эга бўлиш ўрнига қўпол гапириб унинг пулини, бойлигини қўлга киритаман деб ўйлайдилар. Эркаклар ҳам ўз ўрнида аёлларидан ширин сўзларини аямасалар, уларнинг обрўи, пули, бойлиги, бекордан бекорга хотини томонидан совирилмайди.

Демак, олтинчи қоида шуки, **илтифотли** бўлиш зарур.

7. Эр-хотинлик муносабати масалаларида саводсиз бўлмаслик!

Тадқиқотчиларнинг аниқлашича, никоҳнинг бузилишига асосан тўртта нарса сабаб бўлар экан.

1. Жинсий номутоқноблик.
2. Дам олиш вақтини қандай ўтказиш фикридаги фарқ.
3. Молиявий қийинчиликлар.
4. Психик, жисмоний ҳамда эмоционал бузилиш.

Эътибор беринг, жинсий масала биринчи ўринда, молиявий масала эса фақат учинчи ўринда турибди. Ҳаётда қувонч ва бахт ҳиссини ҳис этиб яшашда, оилаларнинг мустаҳкам бўлишида ҳам бу масала муҳимдир. Шунинг учун кўп олим ва кузатувчиларнинг бу борадаги фикри ҳаёт синовларида ўз тасдиғини топганини кўрамиз.

Ҳозирги асрда, одамларнинг аксарияти маълумотли ҳисобланган даврда уларнинг кўпчилиги айна шу жинсий масалада саводсиз эканлиги ачинарли ҳодисадир.

Доктор Баттерфильднинг айтишича: “Жинсий муносабатлар эр-хотинликда қониқиш пайдо қиладиган кўпгина омилларнинг биттаси ҳисобланади. Лекин шу нарса жойида бўлмаса, бошқа ҳеч нарса жойида бўлмайди”.

Демак, охириги қоида: жинсий муносабатлар ҳақида эр-хотинлар ўзига хос маълумотларга эга бўлиши, бир-бирини психологиясини билишга ҳаракат қилиши лозим.

ХОТИМА

Оила – бу бир кунлик эмас, бир йиллик ҳам эмас, балки бир умрли макондирки, бу маконда хар кун, хар соатда ёки хар йил, хар ойда қанчадан-қанча воқеа-ҳодисалар, янгидан-янги ташвишу қувончлар содир бўлиб туради. Бир томонда маъмурчилик бўлса, иккинчи томонда етишмовчилик бўлади. Бир пайт яхшилик кетма-кет келса, бошқа пайт нохушлик устма-уст келади. Бир замон хатога йўл қўйилса, бошқа замон ютуқлар қўлга киритилади.

Бир сўз билан айтганда, оила жамиятни ташкил этувчи фаол бўғини сифатида катта кучга, таъсирга эга бўлган мўъжаз маскан ҳисобланади. Инсон ўзлигини, тарихини, келажагини ана шу маскан билан узвий тасаввур қилади. Ўзини эркин ва бахтли ҳис қила оладиган жой ҳам, маънан ва руҳан эзилган, камситилган ҳолда ҳис қиладиган жой ҳам оила муҳити ҳисобланади. Келажакни остонаси бўлган оилаларимизни нохуш ходисалардан, бахтсизликдан, тушкунлик кайфиятидан, мусибатли шамоллардан асраб авайлаб, унда бахтли бўлишга муносиб бўлган толеи баланд фарзандларни тарбиялаш, Ватан равнақи йўлида хизмат қиладиган авлодни камолга етказишдек бахт оилаларимизни тарк этмасин.

МУНДАРИЖА

Глоссарий.....	3
Соғлом оила муҳити омиллари.....	4
Оилавий муносабатлар тушунчаси ва моҳияти.....	8
Ажралиш ва унинг психологик таъсири.....	12
Ажралиш омиллари.....	13
Оилани сақлаш ва ажралишдан йироқ бўлиш учун тавсиялар.....	15

Ф. Акрамова

**ОИЛА МУСТАҲКАМЛИГИНИ
ТАЪМИНЛОВЧИ ОМИЛЛАР**

Босишга 26.12.2016 йилда рухсат этилди.

Бичими 60x84¹/₁₆.

Ҳажми 1,25 босма табоқ.

Адади 50 нусха.

70-буюртма

«SIRIUS-MEDIA» МЧЖ босмахонасида чоп этилди.
Тошкент шаҳар, Яккасарой тумани, Бобур кўчаси, 4- уй.